



ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖАЗИБАДОРЛИГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Насритдинова Гулчехра Абдурашитовна

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил
изланувчиси, Тошкент, Ўзбекистон. gnasritdinova@gmail.com*

Аннотация

Мақолада инвестицион муҳит жозибадорлигини тармоқ даражасида баҳолаш зарурияти асосланган. Автомобил саноатида инвестицион жозибадорликни баҳолаш бўйича индикаторлар тизими ишлаб чиқилган. Жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг инвестицион муҳит жозибадорлиги кластерлаш усули асосида аниқлаш бўйича методологик ёндашув таклиф этилган. Ўзбекистон автомобиль саноати учун мақсадга мувофиқ инвестицион муҳит яратишда Канада, Хитой, Франция, Буюк Британия тажрибаларига таяниш лозимлиги асослаб берилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестицион сиёсат, автомобиль саноати, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик, кластер, кластер таҳлил.

Abstract

The article is based on the need to assess the attractiveness of the investment environment at the industry level. A system of indicators for assessing investment attractiveness in the automotive industry has been developed. A methodological approach is proposed to determine the attractiveness of the investment environment of the world's automakers on the basis of clustering. The experience of Canada, China, France and the United Kingdom should be relied on to create a purposeful investment environment for the automotive industry of Uzbekistan.

Keywords: investment, investment policy, automotive industry, investment environment, investment attractiveness, cluster, cluster analysis.

Аннотация

Статья основана на необходимости оценки привлекательности инвестиционной среды на отраслевом уровне. Разработана система показателей для оценки инвестиционной привлекательности в автомобильной отрасли. Предлагается методический подход к определению привлекательности инвестиционной среды мировых автопроизводителей на основе кластеризации. Для создания целевой инвестиционной среды для автомобильной промышленности Узбекистана следует опираться на опыт Канады, Китая, Франции и Великобритании.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная политика, автомобилестроение, инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, кластер, кластерный анализ.

Кириш

Мамлакатнинг инвестицион муҳитнинг барқарорлиги ва инвестицион сиёсатнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келишининг асосий шarti ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув

жараёнларининг кучайиши саноат тармоқдалари, айниқса автомобиль саноати корхоналарининг хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали глобал қиймат занжирида фаол харакатини таъминлаш асосий ривожланиш йўналишлари сифатида қаралмоқда. Шу жиҳатдан, жаҳонда 2020 йилда жами 77,6 млн.дона автомобиллар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг 69,9 фоизи енгил автомобиллардир [1]. 2019 йилга нисбатан автомобиль ишлаб чиқариш 15,8 фоиз камайиш кузатилган. 2020 йилда автомобил саноатида жами 145,7 трлн. АҚШ доллари инвестициялар йўналтирилган бўлиб, уларнинг қарийб 44 фоизи ТТХИлардир[2]. Шунга асосланганда мамлакат автомобил саноатида инвестицион муҳит яратиш стратегик йўналишга айланган.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида қулай инвестицион муҳитни яратиш, иқтисодиётни сармоя билан таъминлаш, инвестицион фаолиятнинг жозибадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Автомобиль саноатида инвестицияларга бўлган талабнинг рағбатлантирилиши, инвестициялар ресурс базасининг кенгайтирилиши, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида автомобиль тармоғида инвестициялар ҳажмини 2016-2020 йилларда қарийб 391,6 млрд сўмлик инвестициялар жалб қилинган. Бироқ, инвестицияларни жалб этиш борасида ҳали етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиққанда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича жаҳон мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш ва самарали усул ва механизмларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни бирон бир лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестицион лойиҳа муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолияти туридан келиб чиқиб, у ёки бу тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Маълум бир минтақа жойлашганлиги сабабли минтақавий инвестицион жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади[3].

Корхонанинг инвестицион жозибадорлиги унинг ички ва ташқи муҳитнинг барча муҳим омиллари ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда, ташқи инвесторлар учун зарур бўлган бозор фаолияти ва иқтисодий кўрсаткичларини (иқтисодий, ижтимоий ва ҳоказо) таъминлай олиш қобилятининг мураккаб тавсифи ҳисобланади.

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибадорлиги. Бунда аниқ бир ҳудудий тизимда мавжуд тармоқ, соҳа ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлари самарадорлигини аниқлашнинг таянч кўрсаткичлари (соф дисконтланган даромад, қоплаш муддати, фойда нормаси, ички рентабеллик нормаси) баҳоланади [4].

Инвесторлар корхонанинг зарурий кўрсаткичлари асосида, жумладан, молиявий, иқтисодий, ишлаб чиқариш омиллари, истеъмол талаблари, инновацион салоҳияти ва бошқаларга омилларга боғлиқ равишда инвесторлар корхонани инвестициялаш бўйича қарор қабул қилади. Инвестор томонидан талаб қилинадиган корхонанинг ҳолатини баҳолаш учун маълум бир миқдорий мезонлардан фойдаланиш

талаб этилади. Шунингдек, мазкур баҳолаш нафақат корхона фаолиятига балки мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муҳим билан ҳам боғлиқ бўлиши талаб этилади.

Иқтисодий адабиётларда корхонанинг инвестицион жозибadorлигини баҳолиш учун бир қатор омилларни тавсивловчи кўрсаткичлар тизимларидан фойдаланилади[5]:

инвесторлар салоҳияти, фойда олиш имконияти ва риск даражаси, корхонанинг даромадлари ва дивидентлар тўлаш имкониятлари;

кредитлари, тўловга қобиллик ва даромадлилик даражаси;

акциядорлар ва мулкдорлар корхонанинг келажакдаги рентабеллигини, дивидендлар миқдори, инвестиция рискени таҳлил қилиши;

истиқболда корхонанинг самарали фаолият юритиш учун бошқарув қарорларини қабул қилиш, корхона тузилмаси ва менежментини таҳлил қилиш;

инвестицион ресурсларнинг тақсимланиши ва давлатнинг инвестицион жозибadorликни ошириш бўйича фаолияти ва сиёсат;

Инвестицион жозибadorликни баҳолашда Д.А.Ендовицкого[6], В.А.Бабушкина[7], Р.А.Ростиславова[8], И.А.Бланка[9], Е.Н.Старовойтойларнинг тадқиқотлари асосан корхонанинг фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга боғлиқлиги ўрганилган. Ички омиллар сифатида корхона томонидан бошқариладиган омиллар, жумладан: корхонанинг молиявий ҳолати, менежмент сифати, ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти қабул қилинган. Ташқи омиллар сифатида мамлакатнинг инвестицион сиёсати, божхона тарифлари ва бошқа омилларни таҳлили асосида инвестиция қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилади.

Тадқиқот методологияси

Иқтисодий амалиётида ҳозирги вақтда маълум бўлган саноат корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш бўйича турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, асосий муаммо сифатида барча кўрсаткичларни тўлиқ қамраб олувчи баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш муаммосини қўяди. Шунингдек, инвесторлар учун тармоқ инвестицион жозибajorлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда тармоқ хусусиятларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Инвестицион жозибadorликни баҳолаш бўйича ёндашувларга кўра иқтисодий математик моделлаштириш (кореляцион, дисперсион ва бошқа усуллар), омилли таҳлил усуллари (омиллар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш), гуруҳлаш усулларидан (омилларнинг вазн коэффициентларини аниқлаш) ва эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Инвестицион жозибadorликни баҳолашда Ўзбекистон автомобиль санотининг бошқа мамлакатларга нисбатан тақослаш орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик мамлакатнинг автомобиль саноатида қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша мамлакатнинг автомобиль саноатига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Автомобиль саноатининг

Ўзбекистонда ривожланиши натижалари мамлакатда юқори инвестиция муҳитини яратганлигида ҳисобланади.

Автомобиль саноатига хорижий инвесторлар томонидан баҳолашда одатда бир қатор мезонлар асос қилиб олинади. Халқаро савдо маркази (ИТС) Жаҳон савдо ташкилот ва Бирлашган миллатлар ташкилотнинг қўшма агентлиги ҳисобланиб, мамлакатлар бўйича халқаро савдо статистикаси юритилади. ИТС томонидан мамлакатлар саноат тармоқларнинг инвестициялар жалб қилиш учун рақобатлашаётган мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлигини намоён этувчи бир қатор кўрсаткичлар тизими юритилади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини амалий ифодаси биринчи навбатта тегишли тармоқ ёки соҳанинг ташқи савдоси ҳисобланади. Шунингдек, инвестицияларни жалб этиш ва инвестицион фаолият бўйича тарифлар энг муҳим ҳисобланган омиллар саналади. Жаҳон мамлакатларнинг автомобил саноати учун қўлланилаётган инвестицион таърифлари хар бир мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини намоён этади.

Инвестицион жозибадорликни аниқлаш бўйича тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолашга қаратилган ёндашувларнинг аксариятида асосий эътибор инвестицион муҳит омилларини баҳолашга асосланади. Фикримизча, инвестицион жозибадорликни амалий ифодаси сифатида инвестиция бозорида иштирокчи мамлакатларга нисбатан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, автотранспорт воситалари ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш саноатида инвестициялар жалб қилиш учун рақобатлашаётган мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш мақсадида кластер таҳлилини амалга оширамиз. Кластер таҳлили бизга жаҳон мамлакатларининг автомобил санотини инвестицион жозибадорлигини аниқлаш ва Ўзбекистонинг ушбу тармоқдаги инвестицион салоҳиятини бошқа рақобатлашаётган мамлакатлар билан таққослаш имконини беради.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўйича инвестиция бозорида рақобатлашаётган мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги индикаторлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Автомобиль ишлаб чиқарувчи жами 42 та мамлакат бўйича инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш бўйича танлаб олинган 12 та индикаторлар асосида кластер таҳлилини амалга оширилади.

Кластер таҳлили - бу объектлар ёки ҳодисаларни кластер деб номланган нисбатан бир ҳил гуруҳларга ажратиш учун ишлатиладиган статистикада кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Ҳар бир кластердаги объектлар бир-бирига маълум хусусиятлар бўйича ўхшаш ва бошқа кластерлардаги объектлардан фарқ қилиши керак [10].

Инвестицион жозибадорликни баҳолашда кластер таҳлил усулидан фойдаланиш унинг бошқа таҳлил усулларида ва мураккаб статистик ҳисоб-китобларни талаб қилмайдиган нисбатан содда жараёнлардан иборатлигидир. Кластерлаш усуллари тадқиқотчининг ҳаракатларининг маълум алгоритмларига асосланган евристик усул ҳисобланиб, кенг статистик ҳисоб-китобларга асосланган дисперсия, регрессия, дискриминант ва омил таҳлилидан кескин фарқ қилади.

Кластерлаш усуллари муҳим статистик хусусиятларга эга бўлса-да, ушбу усулларнинг фундаментал соддалигини тан олиш керак [11].

1-жадвал

Жаҳоннинг автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларининг инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш бўйича индикаторлар тизими

<i>Танланган омил</i>	<i>Белгилаш</i>	<i>Манбаси</i>	<i>Шарҳи</i>
<i>Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуш</i>	ICH	International Organization of Motor Vehicle Manufacturers. OICA.net	Жаҳонда ишлаб чиқарилган жами автомобилларда мамлакатлар улуши ва унинг ўзгаришлари,
<i>Тармоқда ТТХИ ички оқими</i>	IFFDI	Statistics of UNCTAD.	Автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларда ТТХИ ларнинг ички оқимининг жамига нисбатан улуши (Foreign direct investment: Inward and outward flows and stock, annual: US dollars at current prices in millions).
<i>Тармоқда ТТХИ жами оқими</i>	ISFDI	Statistics of UNCTAD.	Автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларда ТТХИ ларнинг жами оқимида мамлакатлар улуши (Foreign direct investment: Inward and outward flows and stock, annual: US dollars at current prices in millions).
<i>Мамлакатларда автомобил тармоғидаги хорижий корхоналар сони</i>	NumENT	Investmentmap/org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларда ушбу тармоқларда фаолият ютувчи жами корхоналар сони,
<i>Мамлакатларда автомобил тармоғидаги хорижий филиаллар сони</i>	NumENTF	Investmentmap/org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларда ушбу тармоқларда фаолият ютувчи жами филиаллар сони,
<i>Мамлакатларнинг автомобил экспорти</i>	EXP	Investmentmap/org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Жаҳон экспортида мамлакатнинг улуши ва унинг ўзгаришлари
<i>Мамлакатларнинг автомобил импорти</i>	IMP	Investmentmap/org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Жаҳон импортида мамлакатнинг улуши ва унинг ўзгаришлари
<i>Экспортнинг ўртача таърифлари</i>	Avgfaced	Investmentmap.org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Жаҳон мамлакатлари томонидан автомобил экспорти учун дуч келадиган ўртача барча таърифлар
<i>Импортнинг ўртача таърифлари</i>	Avgapplied	Investmentmap/org. Жаҳон савдо ташкилотининг инвестиция ҳаритаси	Мамлакатга бошқа мамлакатларнинг автомобил экспорти учун дуч келинадиган ўртача қўлланиладиган тарифлар,
<i>Хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш индекси</i>	PMIR	doingbusiness.org	Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» йуналишидаги рейтингининг инвесторларни ҳимоя қилиш индекси, (Strength of minority investor protection index)
<i>Иқтисодиётнинг очиқлик индекси</i>	EFSI	fraserinstitute.org	Иқтисодиётнинг очиқлик индекси. Economic Freedom Summary Index
<i>Инсон капиталини ривожланиш индикаторлари</i>	HDI	undp.org/human development report	Инсон капиталини ривожланиш индикаторлари. Human Development Indicators.

Кластерлаш усуллари иерархик ва иерархик бўлмаган усулларга бўлинади. Иерархик кластерлаш иерархик ёки дарахтга ўхшаш тузилмани қуриш билан тавсифланади.

Инвестицион муҳит жозибаторлигини аниқлаш бўйича кластерлашнинг иерархик бўлмаган усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Иерархик бўлмаган кластерлаш усуллари, к-ўлчамли кластерлаш усули ҳисобланиб (k-means clustering), бунда текширилаётган объектларни танланган хусусиятлари бўйича аввалло марказий нуқтани аниқлайди ва барча объектларни шу хусусиятларга яқинлиги бўйича чегара қийматига кўра бирлаштиради.

Иерархик бўлмаган кластерлаш усулининг иккита асосий камчиликлари шундаки, кластерлар сони олдиндан белгиланади ва кластер марказларини танлаш мустақил равишда амалга оширилади. Бундан ташқари, кластерлаш натижалари танланган марказларга боғлиқ бўлиши талаб этилади. Кўпгина иерархик бўлмаган жараёнларда дастлабки К ҳолатларини танлаб олади (к - бу кластерлар сони) ва бу жараён объектларни тагаши билан якунланади. Шундай қилиб, кластерлаш натижалари маълумотлардаги кузатувлар тартибига боғлиқ. Иерархик бўлмаган кластерлаш иерархик усулларга қараганда тезроқ амалга оширилади ва уни кўп сонли объектлар ёки кузатишлар билан ишлатиш фойдалидир. Ушбу усуллар билан олинган кластерлар ёки кластерли сантиромларнинг сони тақсимлашни оптималлаштириш мақсадида объектларни хусусиятларига мос ҳолда уларга баҳо бериш имконияти яратилади.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг инвестицион жозибаторлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган кластер таҳлилда асосий мақсад марказлашув чегараси, яъни тегишли хусусияти бўйича инвестицион бозорда рақобатлашаётган мамлакатларни гуруҳлаш ва танланган омилларни мақсадли кўрсаткичларини аниқлашдан иборатдир.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлилни амалга ошириш учун SPSS statistics дастуридан фойдаланилади. Жаҳон мамлакатларида инвестицион муҳит жозибаторлигини баҳолаш бўйича шакллантирилган индикаторлар тизими бўйича тўпланган маълумотлар баъзасига кўра (2010-2018 йиллар бўйича) таҳлил амалга оширилганда кластерларнинг бошланғич марказлашуви 2-жадвал маълумотларида олинган.

2-жадвал

Кластерларнинг бошланғич марказлашуви

	Кластерлаш				
	1	2	3	4	5
ICH	11,78	10,13	1,10	0,23	2,36
IFFDI	36,28	1,04	2,09	0,05	4,01
ISFDI	25,52	1,00	2,46	0,04	3,78
NumENT	4,0	35,0	8,0	5,0	8,0
NumENTF	3,0	31,0	8,0	5,0	4,0
Avgfaced	7,70%	7,90%	6,70%	7,30%	6,70%
Avgapplied	1,10%	0,00%	1,00%	21,90%	1,00%
PMI	36	32	33	35	34
EFSI	8,19	7,86	7,41	6,80	7,35
HDI	0,920	0,915	0,883	0,710	0,891
Exports	158195,4	162605,3	316298,7	52,9	153051,9
Imports	361041,3	33005,1	145201,3	1279,1	138388,7

2-жадвалда танланган объектларнинг тегишли хусусиятларининг марказий нуқтасида энг яқин жойлашганлик ҳолати бўйича омилларнинг қийматлари келтирилган. Ҳар бир объект энг яқин таснифлаш кластер марказига берилади.

Кластерларнинг якуний марказлашви (такрорланиш) тўхташ мезонига эришилгунга қадар янгиланади. Якуний кластер марказлари охириги кластерлардаги объектлар учун ўзгарувчиларнинг ўртача қийматларини англатади (3-жадвал).

3-жадвал

Кластерларнинг якуний марказлашви

	Кластерлаш				
	1	2	3	4	5
ICH	11,78	6,20	1,10	0,98	8,77
IFFDI	36,28	1,51	2,09	0,93	6,37
ISFDI	25,52	1,89	2,46	1,12	7,11
NumENT	4,0	449,3	8,0	157,6	1009,8
NumENTF	3,0	282,3	8,0	116,2	747,8
Avgfaced	7,70%	7,40%	6,70%	7,10%	7,25%
Avgapplied	1,10%	5,97%	1,00%	7,96%	4,75%
ProtectingMinorityInvestors	36	39	33	32	39
EFSI	8,19	7,46	7,41	6,82	7,49
HDI	,920	,863	,883	,799	,873
Exports	158195,4	127058,3	316298,7	14844,9	109960,9
Imports	361041,3	35558,6	145201,3	13082,6	112210,0

Таҳлил натижаларига кўра киритилган 5 та кластерга ажратиш шarti билан амалга оширилган таҳлил натижалари бизга 43 та объектни инвестицион муҳит холитининг ўзига хослиги бўйича ажратиш имкони берди (4-жадвал). Унга кўра биринчи кластердан 1 та мамлакат яъни АҚШ жой олди ва кластерларнинг якуний марказлашви бўйича танланган омилларнинг энг мақсади кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди. АҚШнинг ўзига хос жиҳапи белгиланган таърифларнинг нисбатан пастлиги ва инвестициялар ички ва ташқи оқимининг бошқа мамлакатларга нисбатан энг юқори кўрсаткичлари билан таснифланади ва автомобиллар экспорт ва импорти бўйича етакчи мамлакатлардан бири сифати самарали инвестиция муҳитини шакллантирган мамлакат сифатида қараш мумкин.

4-жадвал

Автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатларни кластер таҳлил асосида гуруҳлаш натижалари¹

Кластерлар	Сони	Мамлакатлар номи
1	1,000	АҚШ
2	3,000	Корея, Мексика, Япония
3	1,000	Италия
4	34,000	Ўзбекистон ва бошқа турли мамлакатлар
5	4,000	Канада, Хитой, Франция, Буюк Британия
Жами	43,000	

Яна бир алоҳида хусусиятга эга бўлган мамлака сифатида Италия ажраб чиқди. Унинг ўзига хослиги савдо ва инвестициялар оқими бўйича тарифларнинг бошқа

¹ Муаллиф томонидан тузилган

мамлакатларга нисбатан пастлиги ва асосий хусусияти инсон капиталнинг индексининг нисбатан паст кўрсаткичлари хисоблани, машинасозлик тармоғи ўзига хос бўлган стратегиялар асосида ривожланмоқда.

2-кластерда жами 3 та мамлакат бирлашди (Корея, Мексика, Япония) ва уларнинг ўзига хос жихати барча кўрсаткичлар бўйича мувозанатлашган инвестицион муҳит яратишга ҳаркат қилган мамлакатлардир. Ушбу мамлакатлар савдо таърифларнинг энг минимал миқдорлари белгиланган бўлсада, хорижий корхоналарни ўз мамлакатига жойлаштира олмайдиган ва асосан инвестицияларни хорижий мамлакатларга жойлаштиришга интиладагиган мамлакатлардир.

4-кластерда жами 34 та мамлакат бирлашди ва Ўзбекистон ҳам ушбу мамлакатлар қаторидан жой олди. Ушбу мамлакатлар гуруҳига хос хусусиятлар автомобиллар ишлаб чиқариш, экспорт ва импортда энг кам улушга эга бўлган, инвесторларни химоя қилиш бўйича индикаторларда энг паст ва савдо таъриф ставкаларининг нисбатан юқори эканлиги билан ажралди.

5-кластерда эса жами 4 та мамлакат бирлашиб, улар инвестицион имкониятлари кенг ва энг рақобатлашаётган мамлакатлар сифатида қараш мумкин. Ушбу гуруҳдаги давлатларда инвесторларга яратилган шароитлар уларда хорижий корхоналарни мамлакат ичига жойлаштириш ва мамлакатдан ташқарида филиаллар ташкил этиш бўйича кенг имкониятлар яратган мамлакатладир. Ушбу мамлакатларда савдо тарифларининг нисбатан юқори бўлишига қарамай, жами экспортнинг қарийд 35 фоизидан ортиғи шу мамлакатлар хиссасидир. Ўзбекистон учун инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган стратегик йўналишлар айнан 5-кластерга тегишли бўлган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

Амалга оширилган кластер таҳлил натижаларининг статистик жихатдан ахамиятлигини текшириш бўйича “ANOVA” тест натижалари 5-жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Таҳлил натижаларини “ANOVA” тести

	Гуруҳлаш		Хатолик		F	p(қиймта)
	Ўртача квадратик тафовут	Кузатув	Ўртача квадратик тафовут	Кузатув		
Омиллар						
ICH	90,787	4	16,547	38	5,487	0,001
IFFDI	321,600	4	1,525	38	210,858	0,000
ISFDI	169,947	4	3,553	38	47,829	0,000
NumENT	709425,841	4	320255,047	38	2,215	0,086
NumENTF	379993,826	4	155208,026	38	2,448	0,063
Avgfaced	,201	4	0,217	38	0,926	0,059
Avgapplied	30,988	4	50,798	38	0,610	0,058
PMI	71,421	4	45,292	38	1,577	0,020
EFSI	1,059	4	0,581	38	1,824	0,144
HDI	0,011	4	0,008	38	1,402	0,052
Exports,	38497,421	4	380,127	38	101,118	0,000
Imports	39656,572	4	180,016	38	219,116	0,000

ANOVA тести натижаларидан маълумки, танланган мамлакатлар бўйича уларни

хусусиятларини ифодаловчи статистикада F-Фишернинг 0,15 қиймати асосида белигилаш мақсадга мувофиқ. Чунки, Кластер таҳлилда F-мезондан фақат тавсифлаш учун фойдаланилади, чунки турли кластерлардаги кузатувлар ўртасидаги фарқ максимал бўлиши учун кластерлар танланган. Кузатилган аҳамиятлилик даражаси бунга мослаштирилмаган ва шунинг учун улардан ўрта гуруҳлар тенглиги гипотезасини синаш учун фойдаланиб бўлмайди.

Барча мамлакатларга нисбатан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича таърифларнинг бутун мамлакатлар бўйича таққослама ҳолатига кўра, Ўзбекистон автомобиль саноатининг ҳолати жаҳон мамлакатлари ичида қуйи пағонанин эгаллаб турибди. Ўзбекистон автомобиль саноати учун мақсадга мувофиқ инвестицион муҳит яратишда Канада, Хитой, Франция, Буюк Британия тажрибаларига таянишни тақозо этади.

Хулоса ва таклифлар

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) очиқ ва самарали халқаро иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ва ривожланишнинг муҳим катализаторидир. Иқтисодиётда саноат тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий мақсади мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан самарали фойдаланишдир.

Ҳорижий инвестициялар мамлакат иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида истемол товарлари нархининг пасайтиришга, маҳаллий корхоналарни ривожлантиришга, кичик бизнесни ривожланишига, умуман олганда якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга фойда келтиради. Инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг ташқи бозорлари учун рақабат устунликларига эришиш имкониятлари кенгайди ва натижада ички бозорда импорт қилинувчи маҳсулотлар нархининг пасайиши кузатилади.

Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этишнинг замонавий усул ва механизмлари бўйича эмпирик кузатув натижалари шундан далолат берадики, ТТХИ ларни жалб этиш мамлакат тараққиёти ва унинг инновацион ривожланишнинг стратегик мақсадларига мос келиши лозим. Акс ҳолда мамлакатнинг мавжуд ресурс салоҳиятидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари юзага келади.

Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш назария ва амалиёти автомобиль саноати учун ўзига ҳос бўлган методологик ёндашувларни шакллантиришни талаб қилади. Стратегик вазифа эса технологик қарамликдан чиқиб, асосий эътибор хорижий инвестицияларни бу соҳада тадқиқот ва инновацион ривожланиш стратегияларига мувофиқ амалга ошириш муҳимизларини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

Автомобиль саноатида юқори инвестицион жозибдорликни таъминлашда кирувчи таърифларни қайта кўриб чиқиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, хорижий корхоналар сонини кўпайтириш, инвесторлар мулкани ҳимоялаш бўйича халқаро стандарт меъзонларини қабул қилиш каби бир қатор вазифаларни бажариш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <http://www.oica.net/> - International Organization of Motor Vehicle Manufacturers

2. https://stats.oecd.org/index.aspx?DatasetCode=FDI_FLOW_INDUSTRY

3. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибдадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

4. Ш.Мустафакулов. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т: БМА. 2017 йил. 14 б.

5. Э.И. Крылов, В.М. Власова, М.Г. Егорова, И.В. Журавкова. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия: учеб. пособие / – М.: Финансы и статистика, 2003. – 192 с.;

6. Д.А. Ендовицкого. Анализ инвестиционной привлекательности организации: научное издание / Д.А. Ендовицкий, В.А. Бабушкин, Н.А. Батурина и др.; под ред. – М.: КНОРУС, 2010. – 376 с.

7. Бабушкин, В.А. Организация и методика анализа инвестиционной привлекательности хозяйствующего субъекта: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.12 / Бабушкин Владимир Анатольевич. – Воронеж, 2009. – 24 с.

8. Ростиславов, Р.А. Инвестиционная привлекательность предприятия и факторы, влияющие на нее / Р.А. Ростиславов // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. Вып. 2. Ч. 1. – Тула: Изд-во ТулГУ, 2010. – С. 38–46.

9. Бланк, И.А. Управление финансовыми ресурсами / И.А. Бланк. – М.: Омега-Л, 2011. – 768 с.;

10. Chul-Min Mo, Mark E. Havitz, Dennis R. Howard, "Segmenting Travel Markets with the International Tourism Role (ITR) Scale", Journal of Travel Research, Summer 1994, p. 24–31; "Decision-Making Patterns among International Vacationers; A Cross-Cultural Perspective", Psychology & Marketing. Spring 1987, p. 75–89.

11. B. Everitt, Cluster Analysis, 3rd ed. (New York, NY: Haisted Press, 1993).;